

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ
БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ**

МЕЛИЕВ СОДИРЖОН КАРИМЖОНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЮМШОҚ БУҒДОЙ КОЛЛЕКЦИЯ
НАМУНАЛАРИНИ ФИЗИОЛОГИК ВА МИҚДОРИЙ БЕЛГИЛАРИГА
ГЕНОТИП-МУҲИТНИНГ ТАЪСИРИ.**

03.00.07 – Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мелиев Содир Каримжонович

Ўзбекистон шароитида юмшоқ буғдой коллекция намуналарини
физиологик ва микдорий белгиларига генотип-муҳитнинг таъсири 3

Мелиев Содир Каримжонович

Влияние генотип-среды на физиологические и
количественные признаки коллекционных образцов мягкой
пшеницы в условиях Узбекистана 21

Meliev Sodir Karimjonovich

Influence of the genotype-environment on the physiological and
quantitative traits of the bread wheat germplasm samples in
conditions of Uzbekistan 40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ
БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ**

МЕЛИЕВ СОДИРЖОН КАРИМЖОНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЮМШОҚ БУҒДОЙ КОЛЛЕКЦИЯ
НАМУНАЛАРИНИ ФИЗИОЛОГИК ВА МИҚДОРИЙ БЕЛГИЛАРИГА
ГЕНОТИП-МУҲИТНИНГ ТАЪСИРИ.**

03.00.07 – Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.PhD/B210 рақамида рўйхатга олинган.

Диссертация иши Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.enetika.uz) ҳамда “Ziyonet” ахборот-таълим порталининг (www.ziyonet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бабоев Саидмурат Кимсанбоевич
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Давранов Қодиржон Сотволдиевич
биология фанлари доктори, профессор
Матниязова Ҳилола Ҳудойбергеновна
биология фанлар доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат Аграр университети

Диссертация ҳимояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.B.53.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111226, Тошкент вилояти Қибрай тумани, Юқори юз а/б. Генетика ва ўсимликлар физиологияси институтининг мажлислар зали. Телефон: (+99871)264-23-90, факс (+99871)264-23-90. E-mail: igebr@academy.uz, genetics@uzsi.net, gen@inst.gov.uz.)

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган.) Манзил: 111226, Тошкент вилояти Қибрай тумани, Юқори юз а/б. Генетика ва ўсимликлар физиологияси институтининг мажлислар зали. Телефон: (+99871)264-23-90.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» ____ куни тарқатилди.

(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.А. Нариманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к/х.ф.д., профессор

С.К. Бабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.д., профессор.

С.М. Набиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда энг муҳим учта асосий озиқ-овқат экинлари орасида юмшоқ буғдой 215 миллион гектардан кўпроқ майдонда етиштирилади ва 735 миллион тоннадан ортиқ дон ҳосили олинади¹. Буғдой дони етиштиришни янада кўпайтириш, асосан ҳосилдорликни ошириш ва турли стресс омиллар таъсирида йўқотишларни камайтириш ҳисобига амалга оширилади. Стресга чидамлик ўсимлик хужайраларининг генетик тизимини ўзгартириш ва бунинг натижасида баъзи физиологик ва биокимёвий жараёнларни ўрганиш билан боғлиқ. Шу боис буғдой гермоплазмасини тўплаш, уларни морфологик, генетик ва физиологик жиҳатларини тадқиқ қилиш илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Дунёдаги селекционер олимлар томонидан аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда бошоқли дон экинлари, жумладан юмшоқ буғдой ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш ҳамда нонбоплигини яхшилаш бўйича селекция ишлари жадал олиб борилмоқда. Бу борада интенсив типдаги турли биотик ва абиотик омилларга чидамли бўлган навларни танлашда СИММИТ Халқаро ташкилотининг коллекция намуналаридан фойдаланиш, турли стресс омилларга чидамли навларни яратиш ва турли экологик ҳудудларда синаб кўриш, уларнинг мосланувчанлик механизмларини ва физиологик асосларини ўрганишга катта эътибор берилмоқда.

Республикамызда кўплаб соҳалар қатори қишлоқ хўжалигида ҳам буғдой етиштириш ва ҳосилдорлигини ошириш бўйича, катта ислохатлар амалга оширилмоқда, жумладан юмшоқ буғдойнинг четдан интродукция қилинган, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, қимматли хўжалик белгилари юқори бўлган навлар яратилиб ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Ўзбекистон Республикасини Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида² «маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларига мослашган қишлоқ хўжалик экинларининг янги селекцион навларини яратиш ва жорий этиш» вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, ҳозирги мураккаб экологик шароитда абиотик ва биотик стресс омилларга бардошли, атроф-муҳит шароитларига мослаша оладиган навларни яратишда дунёнинг буғдой етиштирувчи етакчи давлатлар тадқиқотларидан ва жаҳон буғдой коллекция намуналаридан фойдаланган ҳолда, янги навларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон “Қишлоқ хўжалигида ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора - тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги

¹ USDA (2020). Global Agricultural Information Network.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони

Фармони, 06 март 2020 йилдаги ПҚ-4634 –сон “Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Юмшоқ буғдой коллекция намуналарини турли экологик ҳудудларга мосланувчанлигининг физиологик механизмларини ўрганиш бўйича дунё олимлари қатор илмий изланишларни амалга оширган, жумладан CIMMYT (Халқаро маккажўхори ва буғдойни яхшилаш маркази) халқаро марказининг етакчи олимлари Radgaram S., Van Ginkel M. (2011), Sharma R.C et al., (2012); Crespo-Herrera L. A., (2018;) ва бошқа олимлар турли экологик ҳудудларга мос, ҳосилдор ва дон сифати юқори, касалликларга чидамли бўлган навларни яратган. Н.И.Вавилов номидаги “Бутунруссия ўсимликлар генетик маркази” институтининг дунё коллекцияси материалларини ўрганиш бўйича Россия ФАнинг “Омск аграр илмий маркази” олимлари Драгавцев В.А. (2016), Новохатин В.В. (2014) каби олимлари баҳорги буғдойнинг ҳилма хиллиги ва юқори ҳосилдор навларини яратишган. Ярим қурғоқчил ҳудудлар учун селекция ишларини ICARDA (Куруқ ҳудудларда қишлоқ хўжалиги тадқиқотлар маркази) халқаро илмий маркази олимлари A. Mondaini et al., (2021), R. Mohammadi (2018) олиб борган ва қатор генотиплар ажратиб олишган.

Республикада интродукция қилинган юмшоқ буғдой навларининг турли тупроқ иқлим шароитларига мослаштириш ва юқори, сифатли дон ҳосили олишга илмий асосланган ҳолда такомиллаштириш борасида тадқиқот ишлари М. Турдиев, Р. Тўланов, Р. Сиддиқов, А. Аманов, С. Ғайбуллаев, А. Нурбеков, С. Бабоев, Х. Тўрақулов, Б. Чинниқулов ва бошқа олимлар томонидан олиб борилиб юқори натижаларга эришилган.

Бироқ, ўтказилган тадқиқотларда юмшоқ буғдойнинг турли коллекция намуналари маълум муҳит шароитига мосланувчанлиги асосан қимматли хўжалик белгилари бўйича танлаш орқали юқори ҳосилдор навларни ажратиб олишга қаратилган бўлиб, турли стресс шароитларда физиологик мослашувчанлик ва чидамлилиқ хусусиятлари тўлиқ ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти илмий тадқиқот ишлари режасининг №ФА-Ф5-Т027 “Ғўза ва буғдойда шўрҳокликка, сувсизликка ва касалликка чидамлилиқнинг ирсийланиш ва ўзгарувчанлик қонуниятларини ўрганиш” (2012-2015), №ВА-ФА-Ф-5-005 “Кузги буғдой гермплазмасида шираларга чидамли бўлган

генлар ва локусларни аниқлаш” (2017-2020) фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юмшоқ буғдойнинг жаҳон коллекцияси намуналарини Ўзбекистон шароитида турли биотик ва абиотик омиллар таъсирига мослашувчанлигининг физиологик ва морфологик хусусиятларини баҳолаш асосида янги навларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

юмшоқ буғдойнинг коллекция намуналарини унувчанлиги ва вегетация даврлари, ҳосилдорликни таъминловчи қимматли хўжалик ва морфологик белгилари бўйича баҳолаш;

коллекция намуналарида мосланувчанликнинг ўсимликдаги физиологик жараёнлар: барглардаги хлорофилл ва каротиноид миқдори, сув ушлаш қобилияти, баргнинг умумий сув миқдори, фотосинтез кунлик соф маҳсулдорлиги ва транспирация жадаллигига таъсирини аниқлаш;

коллекция намуналаридан буғдойнинг занг касалликларига ва ётиб қолишга чидамли, ҳосилдорликни таъминловчи миқдорий белгилари юқори бўлган намуналарини танлаб олиш;

юмшоқ буғдойдаги миқдорий белгилар ва физиологик кўрсаткичлар орасидаги корреляцион боғлиқликни аниқлаш;

танлаб олинган намуналардан юқори ҳосилли тизмаларни ажратиб олиш ва нав даражасига олиб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида СИММУТ гермоплазмасидан олинган юмшоқ буғдойнинг - бахорги буғдойнинг элита юқори ҳосилдор навлари (38th ESWYT), халқаро юмшоқ буғдой танлаш кўчатзори (46th IBWSN), - юқори температурага чидамли навлар кўчатзори (16th HTWYT) кўчатзорлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда фенологик, физиологик, биокимёвий таҳлил ҳамда ANOVA дастури бўйича статистик таҳлил услубларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети Юмшоқ буғдой коллекция намуналарининг морфологик кўрсаткичлари, мослашувчанликнинг физиологик, биологик ва биохимик хусусиятлари, қимматли хўжалик белгилари билан корреляцион таҳлилларидан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор юмшоқ буғдойнинг хорижий коллекция намуналарини тупроқ – иқлим шароитларида мослашувчанликнинг физиологик хусусиятларига таъсири натижасида буғдойнинг дон тўлишиш даврида барглардаги хлорофилл ва каротиноид миқдори, сув ушлаш хусусияти, баргнинг умумий сув миқдори, фотосинтез кунлик соф маҳсулдорлиги ва транспирация жадаллиги кўрсаткичларини паст ва юқори қийматлар диапазони миқдорий белгиларга таъсири аниқланган;

коллекция намуналаридан занг касаллигига чидамли, ўсув даври андоза нав (Краснодарская-99) га нисбатан 10-12 кун қисқа, ётиб қолишга чидамли ва ҳосилдорликни таъминловчи қимматли хўжалик белгилари юқори бўлган

намуналар танлаб олинган;

танлаб олинган намуналарда юқори ҳарорат таъсирида сув баланси кўрсаткичларининг оптимал ушлаб туриши ҳамда ўсимлик тургорлик ҳолатини юқори даражада сақлаб қолиши ва ҳосилдорлигига ижобий таъсир кўрсатиш диапазони аниқланган;

коллекция намуналаридан экстремал ташқи муҳит омиллари ва стресс шароитларда пластиклик ҳамда ҳосилдорликнинг константивлиги барқарор бўлган намуналар асосида юмшоқ буғдойнинг ҳосилдорлик селекцияси учун бошланғич манба ва янги “Эъзоз” нави яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

коллекция намуналаридан ўзгарувчан ташқи муҳит шароитларида генотип-муҳит таъсири ижобий бўлган селецион қимматли тизмалар танлаб олинган;

физиологик ва қимматли-хўжалик белгилари билан ижобий корреляцион боғланган намуналарда ташқи муҳит шароитларга қарши ижобий таъсир реакцияси фенотипда юзага чиқиши, ҳосилдорликни ошишига олиб келган;

физиологик ва қимматли хўжалик белгилари коррелятив боғланган намуналар селекция ишларида фойдаланилган;

юмшоқ буғдой коллекция кўчатзори намуналаридан физиологик хусусиятларининг ҳосилдорлик билан ижобий корреляцион боғлиқлик асосида яқка танлаш йўли билан янги “Эъзоз” нави яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларда қўлланилган усуллар ҳамда илмий ёндашувлар асосида олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, статистик таҳлили, тадқиқотлар натижаларининг республика ва халқаро илмий-амалий анжуманлардаги муҳокамаси ҳамда етакчи илмий журналларда чоп этилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юмшоқ буғдойнинг жаҳон коллекция намуналарининг дон тўлиш даврида кузатиладиган сув танқислиги стресси шароитларига мослашувчанлигини физиологик, морфологик ва биометрик хусусиятлари бўйича генотипик таъсирчанлиги аниқланганлиги, ташқи муҳит омиллари таъсирида физиологик ва биометрик кўрсаткичлари ҳосилдорликни шаклланишига таъсир механизмлари ҳамда корреляцион боғлиқлиги аниқланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ташқи муҳитнинг стресс шароитларида сув ушлаш хусусияти ва пластиклик даражаси юқори бўлган, намуналар танлаб олинганлиги, физиологик таҳлиллар асосида селекция жараёнларига қимматли бошланғич ота-она шакллари ҳамда ишлаб чиқаришга янги “Эъзоз” ва “Илғор” навлари тадбиқ этилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юмшоқ буғдойнинг жаҳон коллекцияси намуналарини Ўзбекистон шароитида турли биотик ва абиотик омиллар таъсирига мослашувчанлигининг физиологик ва

морфологик хусусиятларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

юмшоқ буғдойнинг жахон коллекциясидан ажратиб олинган намуналар асосида махаллий шароитга тез мослаша оладиган, вегетация даври 10-15 кунга қисқа, “Эъзоз” буғдой нави яратилган ва бу нав 2020 йилдан истиқболли нав сифатида Давлат реестрига киритилган (Реестр № 20/21) (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 29 ноябрдаги № 02/021-4848 - сонли маълумотномаси). Натижада андоза сифатида олинган Краснодар 99 навига нисбатан 10-12 ц/га юқори ҳосил берадиган, эртапишар тизмалар яратиш имконини берган;

Эъзоз буғдой навининг уруғлик материаллари ФА-А-ҚХ 2018-427 “MAS технологиясининг “генларни пирамидалаш” усулидан фойдаланиб буғдойда асосий биотик ва абиотик стресс факторларга чидамлик генларни бир генотипга жамлаш ва шу асосида янги линиялар яратиш” (2018-2020) мавзусидаги амалий лойиҳасида қурғоқчиликка чидамли нав сифатида дурагайлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 9 декабрдаги № 4/1255-3434 –сонли маълумотномаси). Натижада турли стресс шароитларга чидамли дурагай авлодлар олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та, жумладан 9 та республика илмий-амалий анжуманларда ва 3 та халқаро конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, илмий ишнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтириб ўтилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар ёритилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «**Юмшоқ буғдой навларининг абиотик ва биотик омиллар таъсирида мослашувчанлик хусусиятлари**» бўйича дунёда олиб борилаётган илмий тадқиқотларда ташқи муҳитнинг

ноқулай шароитларида мослашувчанликнинг физиологик ва морфоҳўжалик белгиларига, генотип – муҳитнинг ўзаро таъсир реакцияси, сув танқислиги шароитларда ҳосилдорликни барқарорлик ва пластиклик индекси, ҳосилдорликни таъминловчи миқдорий ва физиологик кўрсаткичлари ўзаро ижобий корреляцияси, буғдойнинг дон тўлишиш давридаги юқори ҳароратга чидамликни физиологик хусусиятлари бўйича олинган илмий амалий натижалари кенг ёритиб берилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида «Тадқиқот ўтказилган жой ва шароити, манбаи ва услублари» бўйича олиб борилган тадқиқот шароитлари ва объектлари, услублари кенг ёритиб берилган. Тадқиқот манбаси сифатида юмшоқ буғдойнинг хорижий коллекция намуналарининг келиб чиқиши, биологияси, морфологик ва физиологик кўрсаткичлари бўйича статистик таҳлиллар ва қўлланилган услублар баён этилган.

Диссертациянинг учинчи боби «Юмшоқ буғдой коллекция кўчатзорларини ташқи муҳит таъсирида биологик ва фенотипик мослашувчанлигини баҳолаш» да тадқиқот объекти сифатида маккажўхори ва буғдойни яхшилаш CIMMYT халқаро ташкилоти генафондининг баҳорги буғдойнинг элита юқори ҳосилдор навлари (38th - ESWYT – elite spring wheat yield trial), юқори температурага чидамли навлар кўчатзори (16th HTWYT High Temperature Wheat Yield Trial), халқаро юмшоқ буғдой танлаш кўчатзори (46th IBWSN –International bread wheat Nursery) намуналарида ҳосилдорликни таъминловчи миқдорий белгиларининг мослашувчанлиги бўйича олинган таҳлил натижалари келтирилган.

Биринчи бўлим “Халқаро юмшоқ буғдой коллекция кўчатзор намуналарини вегетация даврлари” да коллекция кўчатзори намуналарининг вегетация униб чиқиш – бошоқлаш ва бошоқлаш - пишиш даврлари 38th ESWYT кўчатзори намуналарида униб чиқиш - бошоқлаш даврининг уч йиллик ўртача кўрсаткичи 169,1 кунга, энг эрта бошоқлаш 164 кун бўлса, энг кеч бошоқлаган намуналар 172 кунни ташкил этган. Таҳлил қилинган 100 та намунадан фақат 6 та намунада бошоқлашгача бўлган давр 164-166 кунни ташкил этган бўлса, кўчатзорнинг асосий қисмини ташкил этган 77 та намунада 167-170 кунга тенг бўлди. 17 та намунада бошоқлаш нисбатан кечроқ бўлиб, 171-172 кун оралиғида кузатилган.

Бошоқлашдан тўлиқ пишгунча бўлган давр ўртача 51,1 кун, 6 та намунада бу кўрсаткич 45-49 кунни ташкил этди ва 88 та намунада эса 50-55 кун, 2 та намунада пишиш даври кечроқ бўлиши аниқланган (1-жадвал). Кейинги кўчатзор юқори ҳароратга чидамли кўчатзори деб номлаган (16th HTWYT). Ушбу кўчатзордаги намуналарда юқоридаги 38th ESWYT кўчатзорига нисбатан униб чиқиш – бошоқлаш ва бошоқлаш - пишиш даврлари эрта эканлиги аниқланган. Униб чиқиш – бошоқлаш даври намуналарда ўртача 165,9 кунни ташкил этган бўлиб, ўртача кўрсаткичдан эрта бошоқлаш 61 та, кеч бошоқлаш 39 та намунада кузатилди. Ўрганилаётган 40 та намуна 157-165 кунни, 47 та намунада 166-169 ва 13 та

намунада бироз кеч бошоқлаш даврини ўтаганлиги аниқланган. Бошоқлаш – пишиш даври намуналарда ўртача 48,7 кунни ташкил этган.

1-жадвал

Халқаро юмшоқ буғдой коллекция кўчатзор намуналарини вегетация даврлари.

38th ESWYT								
Униб чиқиш - бошоқлаш								
Кун	164-166	167-170	171-172	$\bar{x} \pm S\bar{x}$	V%	+	-	N
Намуналар сони	6	77	17	169,1±0,14	0,86	61	39	100
Бошоқлаш-пишиш								
Кун	45-49	50-55	56-58	$\bar{x} \pm S\bar{x}$	V%	+	-	N
Намуналар сони	6	88	2	51,1±0,17	3,39	65	35	100
16th HTWYT								
Униб чиқиш - бошоқлаш								
Кун	157-165	166-169	167-172	$\bar{x} \pm S\bar{x}$	V%	+	-	N
Намуналар сони	40	47	13	165,9±0,33	2,03	61	39	100
Бошоқлаш-пишиш								
Кун	43-45	46-49	50-53	$\bar{x} \pm S\bar{x}$	X±Sx	+	-	N
Намуналар сони	8	54	38	48,7±0,22	4,63	50	50	100
46th IBWSN								
Униб чиқиш - бошоқлаш								
Кун	161-164	165-169	170-171	$\bar{x} \pm S\bar{x}$	V%	+	-	N
Намуналар сони	2	7	1	166,±0,82	1,58	5	5	10
Бошоқлаш-пишиш								
Кун	45-46	47-49	50-52	$\bar{x} \pm S\bar{x}$	V%	+	-	N
Намуналар сони	3	5	2	48,3±0,22	0,61	6	4	10

Коллекция намуналаридан кейинги кўчатзор халқаро юмшоқ буғдой танлаш кўчатзори (46th IBWSN) бўлиб, бу кўчатзор 2013 йилдан буён “Донли экинлар селекцияси ва уруғчилиги лабораториясида ўрганиб келинган ва бу кўчатзордан касалликларга, зарарли ҳашоратларга чидамли бўлган ҳамда физиологик ва миқдорий белгилари юқори бўлган 10 та намуна танлаб олинган. Танлаб олинган намуналарнинг униб чиқиш – бошоқлаш даври ўртача 166 кунни ташкил этганлиги аниқланди. Ўртача кўрсаткичдан эрта бошоқлаш ҳолати 6 та намунада кузатилган. Ўрганилаётган намуналарда бошоқлаш –пишиш даври ўртача 48,3 кунни ташкил этган.

Иккинчи бўлим “Халқаро юмшоқ буғдой коллекция кўчатзор намуналарининг ўсимлик бўйи ва ётиб қолишга чидамлилик ўртасида

мослашувчанлик коэффиценти” да 38th ESWYT кўчатзори намуналарининг ўртача поя баландлиги 90,1±0,50 см бўлиб, юқори ҳароратга чидамли бўлган 16th НТВYT кўчатзоридаги ўсимликлар асосан ўрта бўйли эканлиги кузатилиб, ўсимликларнинг ўртача узунлиги 90,2±0,25 см бўлганлиги аниқланган. 46th IBWSN кўчатзорларидаги ўсимликларнинг бўйи ҳам юқоридаги кўчатзорлардан нисбатан поясининг баландлиги юқори эканлиги кузатилиб ўртача поя баландлиги 97,6±1,03 см эканлиги кузатилган.

Учинчи бўлим “Халқаро юмшоқ буғдой коллекция кўчатзор намуналарининг бўғимлар ораси кўрсаткичи” да коллекция кўчатзори намуналарининг биринчи ва иккинчи бўғим оралиқлари ўлчанганда 38th ESWYT ва 16th НТВYT кўчатзорларига киритилган намуналарнинг бўғим оралиқлари бир-биридан аҳамиятли фарқланиш йўқлиги кузатилган. Биринчи бўғим оралиғи ўртача 38th ESWYT кўчатзор намуналарида 3,21±0,10 см ни ташкил қилган бўлса, 46th НТВYT кўчатзор намуналари шунга мос равишда 3,10±0,11 см ни ташкил этган. Иккинчи бўғим оралиғи ҳам ушбу 2 та кўчатзорда бир хил эканлиги статистик таҳлилларимизда кузатилган. 46th IBWSN кўчатзори намуналарида биринчи бўғим ораси 4,8±0,13 см ва иккинчи бўғим ораси 9,6±0,69 см узунликга эга бўлиб, намуналарда бўғимлар ораси узунроқ эканлиги ва шу билан бирга ётиб қолишга мойил намуналар борлиги аниқланган.

Тўртинчи бўлим “Халқаро юмшоқ буғдой коллекция кўчатзор намуналарининг ҳосилдорликни таъминловчи миқдорий кўрстакларини мослашувчанлик коэффиценти” да коллекция намуналарида ҳосилдорлик уч

2-жадвал

Ўрганилган кўчатзорларда ҳосилдорлик кўрсаткичлари.

Кўчатзорлар номи	$\bar{x} \pm S_{\bar{x}}$ (кг)	Limit	σ	V%	+	-	n
38 th ESWYT	1,1±0,02	0,51-1,51	0,19	17,92	59	41	100
46 th НТВYT	0,95±0,01	0,46-1,43	0,15	15,69	55	45	100
46 th IBWSN	0,7±0,03	0,53-0,86	0,1	14,59	5	5	10

йил давомида рендомизация усулида уч қайтариқда экилган намуналарда 1 метр квадратдан олинган дон ҳисобида статистик таҳлил қилинган. Олинган маълумотларга кўра коллекция кўчатзорлари ичида энг юқори ҳосил берган 38th ESWYT кўчатзорида кузатилган. Намуналарнинг ўртача ҳосилдорлик 1,10 кг ни ташкил этган. 1,10 кг дан юқори ҳосил берган намуналар сони 59 та, ўртачадан паст ҳосил берган намуналар 41 тани ташкил этган. Олинган бу натижа ушбу кўчатзорда юқори ҳосил потенциалига эга бўлган бир нечта намуналар борлигини кўрсатган.

46th НТВYT намуналарда ўртача ҳосилдорлик 0,95±0,01 кг ни ташкил этиб, энг кам ҳосил берган намунада ўртача 1 метр квадратда 460 гр, ёки гектарига 46 центнердан ҳосил берган бўлса, энг юқори кўрсаткич 1430

грамни ёки 140 ц/га ташкил этганлиги кузатилган. 46th IBWSN кўчатзорида эса ўртача ҳосилдорлик нисбатан паст бўлиб, $0,7 \pm 0,03$ кг ни ташкил этган, бу ерда энг паст кўрсаткич 0,53 кг энг юқори кўрсаткич 0,86 кг га тенг бўлган.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Коллекция кўчатзоридан танлаб олинган намуналарнинг миқдорий белгиларига генотип – муҳитнинг таъсири**» да халқаро юмшоқ буғдой коллекция кўчатзори намуналарининг ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига мослашувчанликнинг пластиклик ва барқарорлик индекс таҳлиллари келтирилган.

Ушбу бобда ўрганилган барча кўчатзор намуналари ичидан юқори натижа қайд этган 20 та намуна танлаб олинди ва андоза нав Краснодарская – 99 нави билан ҳосилдорликни таъминловчи миқдори белгилари 1000 дон дон оғирлиги, бошоқ оғирлиги, бир бошоқдаги бошоқчалар сони, бошоқ узунлиги, бошоқ оғирлиги ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларида ўзгарувчанлик коэффиценти, йиллар давомида барқарорлик, пластиклик ва мослашувчанлик индекслари солиштирма таҳлил қилинган.

Намуналарнинг ҳосилдорлик бўйича таҳлил натижаларида коллекция намуналарининг уч йиллик ўртача ҳосилдорлиги 66,9 ц/га ташкил этиб, андоза Краснодарская - 99 (уч йиллик ўртача кўрсаткич 63,0 ц/га) навидан 3,9 ц/га юқори ҳосил берганлиги кузатилган. Андоза навидан ҳосилдорлик кўрсаткичи бўйича 17 та намунада юқори натижа қайд этилган. Барча коллекция намуналарининг уч йил давомида умумий ўртача ҳосилдорлик кўрсаткичи 66,9 ц/га ни ташкил этиб, К- 7 (70,7ц/га), К-13 (71,6 ц/га), К-32 (67,7 ц/га), К-46 (68,9 ц/га), К-64 (77,6 ц/га) ва К-89 (68,6 ц/га) намуналарида ўртача ҳосилдорликдан юқори натижа кўрсатганлиги қайд этилган.

Тадқиқотларимизда стрессга чидамликни ҳосилдорлик бўйича таҳлил қилганимизда 2017 йил гидротермик коэффицент (ГТК) 1,4 иккинчи 2018 йили -2,8 ва учунчи 2019 йили 0,69 га тенг бўлди. Тадқиқот давомида энг қулай шароит биринчи ва учунчи йилларда кузатилган.

Биринчи йили ташқи муҳит индекси қиймати $I_j=1,43$ га тенг бўлиб, умумий ҳосилдорлик 68,4 ц/га ташкил этди. Иккинчи йил нисбатан салбий қиймат кузатилиб $I_j=-2,8$ тенг бўлган. Умумий ҳосилдорлик 64,8 ц/га гача пасайганлиги аниқланди. Учунчи йили нисбатан қулай шароит кузатилиб $I_j=0,69$ га ва умумий ҳосилдорлик 67,7 ц/га га тенг бўлган. Ушбу стрессли метрологик шароитлар ўрганилётган намуналарнинг мослашувчанлигини аниқлашга имкон яратади.

Тадқиқотнинг иккинчи йилида атмосфера намлик гидротермик коэффицент даражаси нисбатан пасайганлиги ва бу билан ўрганилаётган намуналарнинг умумий ҳосилдорлиги 64,8 ц/га гача пасайишига олиб келган. Биринчи йил юқори ҳосил берган намуналардан фақатгина К-64 (78,5 ц/га) намунасининг ҳосилдорлиги пасаймаганлиги ва ўзининг ҳосилдорлик бўйича юқори генетик потенциаллик хусусиятига эга эканлиги аниқланган. Тадқиқотнинг учунчи йилида барқарор қулай шароит кузатилиб К – 8 (76,3 ц/га), К – 13 (74,7 ц/га), К-20 (74,3 ц/га), К-21 (69,3 ц/га), К-32 (72,0 ц/га), К-

46 (69,7 ц/га), К-56 (72,0 ц/га), К-64 (78,0 ц/га) ва К-89 (71,3 ц/га) намуналари учинчи йил ижобий натижа кўрсатган. Уч йил давомида ҳосилдорликнинг барқарорлиги ва чидамлилиги бўйича К-100, К-74 ва К-64 намунаси стресс шароитларда чидамли ва ҳосилдорлик бўйича ўзгаувчанлиги паст эканлиги ва К-7, К-13, К-46 ва К-89 намуналари ўртача чидамли эканлиги қайд этилган.

3-жадвал

Коллекция намуналарини ҳосилдорлик бўйича ташқи муҳит таъсирида мослашувчанлик индекси.

Каталог номери	Йиллар бўйича ҳосилдорлик			$\bar{x} \pm S \bar{x}$, ц/га	У _{min} - У _{max}	У _{min} - У _{max} / 2	Y _i	b _i	S _i ²
	2017	2018	2019						
7	68,0	77,0	67,0	70,7±3,15	-10,0	72,0	54,5	2,7	1,3
8	68,3	52,0	76,3	65,6±7,16	-24,3	64,2	47,6	5,6	10,5
13	63,1	77,0	74,7	71,6±4,29	-13,9	70,0	54,5	2,7	27,7
20	70,3	51,7	74,3	65,4±6,98	-22,7	63,0	65,4	5,8	120,0
21	71,5	59,0	69,3	66,6±3,86	-12,5	65,3	66,6	3,4	34,7
32	71,5	59,7	72,0	67,7±4,02	-12,3	65,8	67,7	4,0	1,4
41	63,3	71,6	53,3	62,8±5,28	-18,3	62,5	62,8	4,0	10,1
46	63,7	73,5	69,7	68,9±2,86	-9,8	68,6	68,9	2,5	1,2
47	67,0	54,0	66,0	62,3±4,17	-13,0	60,5	62,3	4,2	1,5
49	72,0	57,7	65,0	64,9±4,13	-14,3	64,8	64,9	3,9	2,2
56	71,3	55,0	72,0	66,1±5,55	-17,0	63,5	66,1	5,5	0,9
60	72,7	62,5	64,7	66,6±3,09	-10,2	67,6	66,6	2,4	3,8
61	61,5	64,0	57,7	61,1±1,84	-6,3	60,8	61,1	1,3	0,3
64	76,4	78,5	78,0	77,6±1,63	-2,1	77,5	77,6	0,5	1,8
74	67,0	69,0	66,3	67,4±8,01	-2,0	67,7	67,4	0,7	1,9
80	68,3	71,0	62,7	67,3±2,45	-8,3	66,8	67,3	1,6	1,7
81	71,8	58,7	68,3	66,3±3,93	-13,2	65,3	66,3	3,9	0,9
82	65,5	72,5	61,3	66,4±3,26	-11,2	66,9	66,4	2,8	0,4
89	68,3	66,0	71,3	68,6±1,54	-5,3	68,7	68,6	1,1	0,9
100	66,6	66,5	63,3	65,5±1,07	-3,3	65,0	65,5	0,4	0,9
Краснодарс кая 99	64,0	58,0	67,0	63,0±1,20	-9,0	62,5	63,0	2,4	0,6
Y _i	68,4	64,8	67,7	66,9±3,46					
I _j	1,43	-2,82	0,69						

Тадқиқотнинг учинчи йилида барқарор қулай шароит кузатилиб К – 8 (76,3 ц/га), К – 13 (74,7 ц/га), К-20 (74,3 ц/га), К-21 (69,3 ц/га), К-32 (72,0 ц/га), К-46 (69,7 ц/га), К-56 (72,0 ц/га), К-64 (78,0 ц/га) ва К-89 (71,3 ц/га) намуналари учинчи йил ижобий натижа кўрсатган. Уч йил давомида ҳосилдорликнинг барқарорлиги ва чидамлилиги бўйича К-100, К-74 ва К-64 намунаси стресс шароитларда чидамли ва ҳосилдорлик бўйича ўзгаувчанлиги паст эканлиги ва К-7, К-13, К-46 ва К-89 намуналари ўртача чидамли эканлиги қайд этилган.


Уч йиллик тадқиқотлар давомида намуналарнинг экологик пластиклигини (b_i) ва барқарорлик коэффиценти (S_d^2) кўрсаткичлари ўрганилган. Намуналарнинг ҳосилдорлиги ташқи муҳит таъсири остида турли хил мослашувчанлик хусусиятларини кўрсатди (3 – жадвал). К-64 ($b_i = 0,5$, $S_d^2 = 1,8$), К-74 ($b_i = 0,7$, $S_d^2 = 1,9$) ва К-100 ($b_i = 0,4$, $S_d^2 = 0,9$) намуналарнинг ўзгарувчанлиги нисбатан паст ва стресс шароитларга чидамли эканлиги аниқланган. Барқарорлик кўрсаткичи $1 < S_d^2$ катта бўлган К-8 ($b_i = 5,6$, $S_d^2 = 10,5$), К-13 ($b_i = 2,7$, $S_d^2 = 27,7$), К-20 ($b_i = 5,8$, $S_d^2 = 120,0$), К-21 ($b_i = 3,4$, $S_d^2 = 34,7$) ва К-41 ($b_i = 4,0$, $S_d^2 = 10,1$) намуналарни экологик пластиклик ва барқарорлик даражаси жуда юқори бўлганлиги кузатилган.

Диссертациянинг бешинчи боб “**Танлаб олинган намуналарнинг физиологик хусусиятларини миқдорий кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик**” да намуналарининг ташқи муҳит шароитларида буғдойнинг дон тўлишиш даврида кузатиладиган юқори ҳарорат ва сув танқислиги стресси шароитларида физиологик хусусиятларининг ҳосилдорликни таъминловчи миқдорий белгиларга корреляцияси таҳлил қилинган.

Бешинчи бобнинг биринчи бўлими “Намуналарнинг барг сатҳи кўрсаткичлари” нинг таҳлилида коллекция намуналарининг барг сатҳи бўйича уч йиллик ўртача кўрсаткич $63,6 \pm 6,42$ см ни ташкил этган. Энг паст кўрсаткич К-8 ($50,1 \pm 1,98$) ва энг юқори кўрсаткич К-64 ($73,0 \pm 7,36$) намуналарида кузатилган. Намуналарнинг умумий ўртача кўрсаткичдан юқори натижа кўрсатган 9 та намунада аниқланган. К-60, К-56 ва К-89 намуналарда барг узунлиги ($29,2 \pm 1,64$; $28,1 \pm 2,20$ ва $30,0 \pm 0,80$ см) юқорилиги бўйича кейинги ўринларда турсада, лекин барг эни бўйича паст натижа кўрсатганлиги кузатилган. Аксинча К-21 намунасида барг узунлиги ($28,3 \pm 1,30$) нисбатан калта бўлиб, барг эни ($2,48 \pm 0,10$) юқорилиги барг сатҳи ($69,9 \pm 2,35$) нинг ошишига олиб келган. Тадқиқотларимизда барг сатҳи юқори бўлган намуналарда ҳосилдорлик ҳам юқори бўлганлиги кузатилган. Намуналарнинг барг сатҳи 70 см^2 дан юқори бўлиши ҳосилдорликни 65-77 ц/га, 1000 та дон оғирлигини 45-50 г таъсир доирасида ўзгариб турганлиги кузатилган. Барг сатҳи билан ҳосилдорлик кўрсаткичи бўйича корелятив боғлиқлик борлиги статистик таҳлил натижаларида кузатилган. Унга кўра барг сатҳи билан ҳосилдорлик ўртасида ишончли ўрта ижобий ($r=0,58^{**}$), 1000 та дон оғирлиги билан кучсиз ижобий ($r=0,29$) боғлиқлик борлиги аниқланган.

Диссертацияни бешинчи бобнинг иккинчи бўлими “Намуналарнинг барг сатҳи, ўсимлик бўйи ва биомасса кўрсаткичларини боғлиқлиги” да намуналарнинг барг сатҳи, ўсимлик бўйи ва биомасса кўрсаткичларини боғлиқлиги таҳлил қилинганда, уч йиллик таҳлил натижалари намуналарнинг умумий биомасса кўрсаткичи $1,81 \pm 0,20$ кг/м² ташкил этиб, андоза Краснодарская - 99 нави ($1,60 \pm 0,27$ кг/м²) дан юқори биомасса ҳосил қилганлиги аниқланган. Умумий барг сатҳи ва ўсимлик бўйи белгилари бўйича андоза навадан фарқ йўқлиги кузатилган.

Диссертациянинг бешинчи бобнинг учинчи бўлими “Ўрганилаётган намуналарнинг хлорофилл миқдорининг ташқи – муҳит таъсирига боғлиқлиги” да намуналарининг уч йиллик хлорофилл миқдорининг умумий ўртача кўрсаткичи $2,63 \pm 0,26$ мг тенг эканлиги ва андоза Краснодарская -99 навидан ($2,34 \pm 0,12$) $0,29$ мг хлорофилл миқдори кўп синтезлангани аниқланган. Умумий хлорофилл миқдори $2,50$ мг дан юқори бўлган намуналарда барг сатҳи 60 см^2 дан юқорилиги, ҳосилдорлик эса 85% намуналарда 60 ц/га дан юқори бўлиши қайд этилган.



1- расм. Уч йиллик ўртача хлорофилл миқдорининг ўзгариши ва ҳосилдорликка таъсири.

Белгилар ўртасида боғлиқликни аниқлаганимизда умумий хлорофилл билан каротеноид ўртасида ($r=94^{***}$) кучли ижобий, барг сатҳи билан ўрта ижобий ($r=54^*$), ҳосилдорлик билан кучли ижобий ($r=95^{***}$) ва фотосинтез кунлик соф маҳсулдорлиги билан ўрта ижобий ($r=59^{**}$) боғланиш борлиги аниқланган.


Диссертацияни бешинчи бобнинг тўртинчи бўлими “Намуналарнинг транспирация жадаллиги” да намуналарнинг транспирация жадаллиги, барг сатҳи, фотосинтез соф маҳсулдорлиги ва ҳосилдорлик кўрсаткичларининг боғлиқлиги келтирилган.

Транспирация жадаллиги билан миқдорий белгилар ўзаро боғлиқлиги баҳоланганда тарнспирация жадаллиги билан барг сатҳи ўртасида ўртача ижобий ($r=0,64^{**}$), ҳосилдорлик ($r=0,24$), 1000 дон оғирлиги ($r=0,22$), бир бошоқдаги дон сони ($r=0,08$), бир бошоқдаги дон оғирлиги ($r=0,07$), бошоқ узунлиги ($r=0,05$), бошоқ оғирлиги ($r=0,18$), бир бошоқдаги дон оғирлиги ($r=0,09$) кўрсаткичлари билан кучсиз ижобий боғлиқлик борлиги қайд этилган. Транспирациянинг жадаллигини оптимал даражада бўлиши ($200-250 \text{ мг/г.соат}$) миқдорий белгиларга ижобий таъсир этиши таҳлил натижалари кузатилган.

Транспирация жадаллиги билан миқдорий белгилар ўртасида коррелятив
боғлиқлик

	Т.Ж, мг/г	Барг сатҳи см ²	Ҳосилдорлик (м ² г)	1000 дон оғирлиги, г	бошоқ сони, дона	дон оғирлиги, г	Бо-шоқ узунлиги, см	бошоқ оғирлиги, г
Т.Ж, мг/г								
Барг сатҳи, см ²	0,64**							
Ҳосилдорлик (г/м ²)	0,24	0,58**						
1000 дон оғирлиги, г	0,22	0,29	0,94					
бошоқ сони, дона	0,08	0,39	0,8	0,69				
дон оғирлиги, г	0,07	0,31	0,84	0,77	0,88			
бошоқ узунлиги, см	0,05	0,36	0,83	0,83	0,82	0,89		
бошоқ оғирлиги, г	0,18	0,37	0,74	0,72	0,78	0,85	0,83	
дон сони, дона	0,09	0,38	0,83	0,78	0,82	0,85	0,70	0,7

Диссертацияни бешинчи бобнинг бешинчи бўлими “Намуналарнинг сув сақлаш хусусияти” да коллекция намуналарининг ташқи муҳит ноқулай




2-Расм. Намуналарнинг сув сақлаш хусусияти бўйича фарқланиши.

шароитларида сув сақлаш қобилияти келтирилган. Намуналарнинг сув сақлаш хусусияти бўйича статистик таҳлил қилинганда намуналар орасида фарқлар борлиги кузатилган. Фақат андоза Краснодарская - 99 нави барча коллекция намуналаридан фарқи катталиги аниқланган. Намуналар орасида К-8, К-13, К-32 намуналарда 30-39 % гача, К-21, К-64, ва К-100 намуналарда 40-49 % бўлган намуналардан олинган натижалар орасида катта бўлмаган фарқ кузатилган. Намуналар орасида фарқ борлиги кузатилаётган бўлсада, аммо анова дастурининг фишер тести (аҳамиятлилик даражаси 5%) орқали статистик таҳлил қилинганда фарқ йўқлиги исботланган. Сув сақлаш хусусияти бошқа белгиларга таъсири ўрганилганда, улар орасида сезиларли аҳамиятли боғланишлар кузатилмаган (фақат транспирация жадаллигидан

ташқари). Шунинг учун белгиларнинг ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш мақсадида корреляцион жадвал тузилган.

Унга кўра сув сақлаш хусусияти билан тарнспирация жадаллиги ўртасида салбий ($r=-0,08$), барг сатҳи ўртасида салбий ($r=-0,09$), ҳосилдорлик билан салбий ($r=-0,09$), дон оғирлиги билан аҳамиятсиз ($r=0,00$) боғланиш, баргнинг умумий сув миқдори ($r=0,19$), бошоқ оғирлиги билан ($r=0,24$) кучсиз ижобий боғланиш борлиги кузатилган.

Бешинчи бобнинг олтинчи бўлими “Коллекция намуналарининг байроқ барг таркибидаги сув миқдори” да намуналарнинг байроқ барг таркибидаги умумий сув миқдори ҳосилдорликни таъминловчи миқдорий белгиларга таъсири келтириб ўтилган. Уч йиллик тадқиқотларда намуналарнинг байроқ барг таркибидаги сув миқдори деярли бир биридан статистик жиҳатдан фарқ қилмаслиги аниқланган (5.3-расмга қаранг). Фақат айрим намуналарда яъни К-13 (61,4) намунаси К-49 (73,27), К-56 (71,42), К-60 (71,57), К-61 (73,13), К-74 (73,54), К-82 (74,30) намуналаридан фарқ қилиб, қолган намуналардан фарқ йўқлиги кузатилган. К-13 намунасига яқин натижа кўрсатган К-21 (62,73) намунаси билан фарқ йўқлиги, К-21 (62,73) билан К-56 (71,42), К-60 (71,57) ва К-100 (69,78) намуналарида эса фарқ йўқлигининг сабаби К-21 намунаси йиллардавомида ўзгарувчанлиги юқори бўлиб, 2017 - 2018 йиллари баргнинг сув миқдори 70 % дан ошганлиги сабаб бўлган.



3-Расм. Намуналарнинг байроқ барг таркибидаги сув миқдори

К-13 ва К-21 намунаси бошқа намуналардан фарқ қилиб, қолган намуналар эса бир биридан фарқ йўқлиги қайд этилган.


Бешинчи бобнинг етинчи бўлими “Коллекция намуналарида курук модда тўпланиши даражаси” да коллекция намуналарининг байроқ барг таркибидаги курук модда тўпланиш оғирлиги ҳосилдорликни таъминловчи миқдорий белгиларга таъсири ўрганилган.

Бешинчи бобнинг саккизинчи бўлими “Коллекция намуналарининг кунлик фотосинтез соф маҳсулдорлиги” да намуналарнинг кунлик фотосинтез соф маҳсулдорлигининг ҳосилдорликга таъсири келтирилган.

Уч йиллик таҳлил натижаларимизда намуналарнинг фотосинтез соф маҳсулдорлиги бўйича умумий ўртача кўрсаткич 5,34 г/м². сутка ни ташкил этган. Андоза Краснодарская – 99 навида 5,47 г/м². сутка ни ташкил этиб, нисбатан коллекция намуналардан кунлик фотосинтез соф маҳсулдорлиги юқорилиги қайд этилган. Фотосинтез соф маҳсулдорлиги 6 г/м². сутка дан юқори бўлган намуналарда ҳосилдорлик 70 ц/га, умумий барг сатҳи 71 см², куруқ модда тўпланиш даражси 210 мг, умумий хлорофилл миқдори 2,62 дан 3,34 мг гача юқори бўлиши кузатилган.

Таҳлил натижаларида фотосинтез соф маҳсулдорлиги билан умумий барг сатҳи ўртасида кучли ижобий ($r=0,82^{***}$), умумий хлорофилл билан ўртача ижобий ($r=0,59^{**}$), куруқ модда тўпланиш даражси билан ($r=0,59^{**}$), умумий биологик куруқ масса билан кучсиз ижобий ($r=0,26$), ҳосилдорлик билан ўртача ижобий ($r=0,69^{**}$), 1000 та дон оғирлиги ($r=0,14$), бир бошоқдаги бошоқчалар сони ($r=0,33$), бошоқ узунлиги ($r=0,43^*$), бир бошоқдаги дон оғирлиги ($r=0,41$) ва дон сони ($r=0,46^*$), бошоқ оғирлиги ($r=0,44^*$) миқдорий белгилар бўйича кучсиз ижобий боғланиш борлиги аниқланган.

Намуналар орасида статистик фарқланиш борлигини баҳолаганимизда К-8, К-46 ва К-81 намуналари битта гуруҳга кириб К-7, К-13, К-64 ва К-80 намуналардан сезиларли фарқланиш кузатилган.



4-Расм. Фотосинтез маҳсулдорлигининг барг сатҳига ва ҳосилдорликка таъсири.

Қолган намуналар бир биридан ишончли фарқланиш борлиги кузатилмаган. Барг сатҳи юқори бўлган намуналарда фотосинтез кунлик соф маҳсулдорлиги ва ҳосилдорлик ҳам юқори бўлганлиги кузатилган.

ХУЛОСАЛАР

Ўзбекистон шароитида юмшоқ буғдой коллекция намуналарини физиологик ва миқдорий белгиларига генотип-муҳитнинг таъсирини ўрганиш натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилган:

1. Юмшоқ буғдойнинг 38th ESWYT (баҳорги буғдойнинг элита юқори ҳосилдор навлари) ва 16th HTWYT (юқори температурага чидамли навлар) кўчатзорларида ўсимликларнинг ўртача бўйи 90 см, биринчи бўғим оралиғи 3,2 ва 3,1 см, иккинчи бўғим оралиғи 7,8 ва 7,7 см бўлган бўлса, 46th IBWSN халқаро кўчатзорида эса ўсимликлар ўрта бўйли, 97,6 см, биринчи ва иккинчи бўғим оралиқлари 4,8 ва 9,6 см бўлганлиги, яъни баҳорги буғдойнинг элита юқори ҳосилдор ва юқори температурага чидамли навлар кўчатзорларида ўсимлик бўйи ҳам бўғим оралиқлари ҳам нисбатан калта эканлиги аниқланган.

2. Ўрганилган 3 та кўчатзорларда ўртача ҳосилдорлик 38th ESWYT кўчатзорида 1,10 ц/га, 46th HTWYT кўчатзорида 95 ц/га ва 46th IBWSN кўчатзорида ўртача 70 ц/га тенг эканлиги аниқланди ва бу намуналар ичида 1000 дон дон оғирлиги 46,9 г дан юқори бўлган ва ҳосилдорлиги 110 ц/га ча бўлган намуналар ажратиб олинган.

3. Муҳитнинг генотипга таъсири таҳлил қилинганда гидротермик коэффициент $I_j=1,43$ га тенг бўлган 2017 йилда барча кўчатзорлар бўйича ўртача ҳосилдорлик 68,4 ц/га, $I_j=0,69$ га тенг бўлган 2019 йилда 67,7 ц/га ва гидротермик коэффициент салбий қийматга $I_j= - 2,8$ га пасайганда умумий ўртача ҳосилдорлик 64,8 ц/га гача пасайганлиги аниқланган.

4. Намуналарнинг экологик пластиклигини (b_i) ва барқарорлик коэффициенти (S_d^2) кўрсаткичлари бўйича К-64 ($b_i=0,5$, $S_d^2 =1,8$), К-74 ($b_i=0,7$, $S_d^2 =1,9$) ва К-100 ($b_i=0,4$, $S_d^2 =0,9$) намуналарнинг ўзгарувчанлиги нисбатан паст ва стресс шароитларга чидамли эканлиги аниқланган.

5. Регрессион таҳлил натижаларида танлаб олинган 50 та намунада умумий хлорофилнинг 1мг га кўпайиши ҳосилдорликни 12% оширганлиги, бунда умумий хлорофилларнинг уч йиллик ўртача миқдори 3,34 мг/г дан 2,03 мг/г гача бўлиб, хлорофилл миқдори камайиб борган намуналарда ҳосилдорлик ҳам сезиларли камайганлиги аниқланган;

6. Барг сатҳи билан транспирация жадаллиги ўртасида $r=0,64^{**}$, ҳосилдорлик $r=0,58$ ва куруқ модда тўпланиши ўртасида $r=0,51^*$ ижобий, сув сақлаш хусусияти билан салбий $r=-0,09$, фотосинтез соф маҳсулдорлиги билан барг сатҳи ўртасида кучли ижобий $r=0,82^{***}$, умумий хлорофилл ва фотосинтез соф маҳсулдорлиги билан ўртача ижобий $r=0,59^{**}$, ҳосилдорлик билан фотосинтез ўртасида кучли ижобий $r=0,69$ боғланиш борлиги аниқланган.

7. Танлаб олинган намуналар асосида ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига мослашган, юқори ҳосилли “Эъзоз” буғдой нави яратилди ва бу нав 2020 йилдан истиқболли нав сифатида Давлат реестрига киритилди ва 2021 йилдан Сурхондарё вилоятига райионлаштирилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSC.02/30.12.2019.B.53.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕНЕТИКИ И
ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ БИОЛОГИИ РАСТЕНИЙ
ИНСТИТУТ ГЕНЕТИКИ И ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ БИОЛОГИИ
РАСТЕНИЙ**

МЕЛИЕВ СОДИРЖОН КАРИМЖОНОВИЧ

**ВЛИЯНИЕ ГЕНОТИП-СРЕДЫ НА ФИЗИОЛОГИЧЕСКИЕ И
КОЛИЧЕСТВЕННЫЕ ПРИЗНАКИ КОЛЛЕКЦИОННЫХ ОБРАЗЦОВ
МЯГКОЙ ПШЕНИЦЫ В УСЛОВИЯХ УЗБЕКИСТАНА**

03.00.07 – Физиология и биохимия растений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) в биологических наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2021.3.PhD/В210.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Институте генетики и экспериментальной биологии растений.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-страница Научного совета (www.enetika.uz) и информационно-образовательном портале "Ziynet" (www.ziynet.uz),

Научный руководитель: **Бабоев Саидмурат Кимсанбоевич**
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты **Давранов Қодиржон Сотволдиевич**
доктор биологических наук, профессор

Матниязова Ҳилола Худойбергеновна
доктор биологических наук

Ведущая организация: **Ташкентский государственный Аграрный университет**

Защита диссертация состоится «__» _____ 2022 года в __ часов на заседании на Научного совета DSc цифрой 02/30.12.2019.В.53.01 при Институте генетики и экспериментальной биологии растений, (адрес: 111226, Ташкентская область Кибрай, Юқори юз а/б. Конференц-зал Института генетики и физиологии растений. Телефон: (+99871)264-23-90, факс (+99871)264-23-90. E-mail: igebr@academy.uz, genetics@uzsi.net, gen@inst.gov.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института генетики и экспериментальной биологии растений (зарегистрировано за № __ номером). Адрес: 111226, Ташкентская область Кибрайский район, Юқори - юз. ИГЭБР. Тел: (+99871) 264-23-90.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2022 года
(протокол рассылки № __ от «__» _____ 2022 года)

А.А. Нариманов
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.с.-х.н.,
профессор

С.К. Бабоев
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.б.н.,
профессор.

С.М. Набиев
Председатель научного семинара
при научном совете по
присуждению ученых степеней, д.б.н.,
профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Входящая в тройку самых важных продовольственных культур в мире, мягкая пшеница выращивается на площади более 215 миллионов гектаров с которых собирается более 735 миллионов тонн зерна³. Дальнейшее увеличение выращивания в основном осуществляется за счет повышения производительности и сокращения потерь из-за различных стрессовых факторов. Стрессоустойчивость связана с модификацией генетической системы растительных клеток и, как следствие, изменениями в протекании некоторых физиологических и биохимических процессов. В связи с этим сбор гермплазмы пшеницы, анализ их морфологических, генетических и физиологических характеристик имеют важное научное и практическое значение.

В целях обеспечения продовольственной безопасности ученые - селекционеры во всем мире ведут интенсивные селекционные работы по повышению урожайности и улучшению биохимических и хлебопекарных качеств зерна пшеницы. В этом направлении использования коллекционных образцов международной организации СИММИТ при отборе интенсивных сортов устойчивых к биотическим и абиотическим факторам, и апробации в различных экологических зонах сортов, устойчивых к различным стрессовым факторам, изучению механизмов их приспособляемости и физиологических основывается весьма актуальным.

Как и во многих сферах в сельском хозяйстве нашей республики, проводятся большие реформы в области производства и повышения урожайности пшеницы, в частности создание и внедрение в производство сортов мягкой пшеницы из завезенных из-за рубежа и интродуцированных сортов, устойчивых к болезням и вредителям, с высокими хозяйственными показателями. В Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы⁴ поставлены задачи «по созданию и внедрению в сферу сельскохозяйственного производства новых селекционных сортов сельскохозяйственных культур, обладающих высокой продуктивностью, устойчивостью к болезням и вредителям, адаптированных к местным почвенно-климатическим и экологическим условиям среды. Исходя из этих задач, при создании сортов, устойчивых к абиотическим и биотическим стрессовым факторам в современных сложных экологических условиях, способных адаптироваться к условиям окружающей среды, важное значение приобретает использование результатов исследований ведущих мировых государств-производителей пшеницы и мировых коллекционных образцов пшеницы.

³ USDA (2020). *Global Agricultural Information Network*.

⁴Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, изложенных в Указе Президента Республики Узбекистана от 17 июня 2019 года № УП-5742 “О мерах по эффективному использованию земельно-водных ресурсов в сельском хозяйстве”, Указе Президента Республики Узбекистана от 23 октября 2019 года № УП-5853 “Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистана на 2020-2030 годы”, Указе Президента Республики Узбекистана от 06 марта 2020 года № УП - № 4634 “о мерах по широкому внедрению рыночных принципов в производство, закупку и реализацию зерна” и других, связанных с этой деятельностью, нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением “Сельского хозяйства, биотехнологии, экологии и охраны окружающей среды” развития науки и технологии.

